

ISSN: 3030-3877

AJCD
2024

<https://tadqiqot.uz/index.php/spjacd>



Annals of clinical disciplines



VOLUME 3, ISSUE 2

2026

ISSN 3030-3877

DOI Journal 10.26739/3030-3877

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE


3 ЖИЛД, 2 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 3, НОМЕР 2

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 3, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2026

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

Sh. J. Teshayev

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharriri, Buxoro davlat tibbiyot instituti rektori, t.f.d., professor

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:

D. A. Xasanova

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharrir o'rinbosari, Buxoro davlat tibbiyot instituti anatomiya va klinik anatomiya kafedrası professori, DSc

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

- **U.K. Abdullayeva** - “Klinik fanlar yilnomasi” jurnali mas'ul kotibi, Buxoro davlat tibbiyot instituti fakultet va gospital terapiya, nefrologiya va gemodializ kafedrası dotsenti, DSc
- **M.J. Sanoyeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti nevrologiya kafedrası dotsenti, DSc
- **A.G. Gadayev** - Toshkent tibbiyot akademiyasi 3-son ichki kasalliklar kafedrası professori, t.f.d.
- **A.R. Obloqulov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, yuqumli kasalliklar va bolalar yuqumli kasalliklari kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **D.A. Nabiyeva** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 1-son fakultet va gospital terapiya, kasb kasalliklari kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **Sh.T. O'roqov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti xirurgik kasalliklar kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **M.M. Karimov** - Respublika ixtisoslashtirilgan terapiya va reabilitatsiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi “Gastroenterologiya” ilmiy laboratoriyasi boshlig'i, t.f.d., professor
- **N.U. Narzullayev** - Buxoro davlat tibbiyot instituti otorinolaringologiya kafedrası professori, DSc
- **G.N. Sobirova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi reabilitatsiya va jismoniy tarbiya kafedrası professori, t.f.d.
- **F.S. Raupov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar xirurgik kasalliklari kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **Sh.B. Axrorova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, nevrologiya kafedrası dotsenti, DSc
- **V.R. Akramov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti travmatologiya va neyroxirurgiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **I.K. Sadulloyeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar kasalliklari propedevtikasi va bolalar nevrologiyasi kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **M.K. Temirova** - Toshkent davlat tibbiyot universiteti, Nevrologiya va bolalar nevrologiyasi, tibbiy genetika kafedrası assistenti PhD

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

- **G.J. Jarilkasanova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti oilaviy shifokorlarni qayta tayyorlash kafedrası professori, DSc
- **U.S. Mamedov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti onkologiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **A.A. Saidov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti ortopedik stomatologiya va ortodontiya kafedrası professori DSc
- **N.N. Karimova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti 3-son akusherlik va ginekologiya kafedrası mudiri, DSc, dotsent
- **U.K. Qayumov** - tibbiyot xodimlarini kasbiy malakasini oshirish markazi ichki kasalliklar kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **M.E. Raximova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrası dotsenti, t.f.d.
- **R.I. To'raqulov** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrası professori, t.f.d.
- **Ch.S. Pavlov** - I.M. Sechenov nomidagi birinchi Moskva davlat tibbiyot universiteti terapiya kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **L.B. Novikova** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrası professori, t.f.d.
- **O.I. Letyayeva** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrası professori, t.f.d.
- **I.V. Reverchuk** - I.Kant nomidagi Boltiq federal universiteti psixonevrologiya va psixosomatika kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **Edip Gonullu** - Izmir Bakirchay universiteti anesteziya va reanimatsiya kafedrası dotsenti, t.f.d.
- **Eva Lietto** - Italiya Campania universiteti “Luigi Vanvitelli”ning tarjima tibbiyot fanlari kafedrası mudiri, t.f.d., professor
- **G.S. Xodjiyeva** - Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot universitetining Ichki kasalliklar propedevtikasi kafedrası dotsenti

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 369/6 от 5 апреля 2025 г.

© Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

О журнале


Журнал зарегистрирован в Агентство информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан
№ С-239963 от 14 марта 2024 года

Адрес редакции: Республика Узбекистан, 200114,
г. Бухара, ул. Гиждуван, 23
Телефон: +998(65)2230050
Сайт: <https://tadqiqot.uz/index.php/spjacad>
e-mail: abumkur14@gmail.com

1.	Ashurova N.G., Xotamova G.K. Afaziya: tushunchasi, insultdan keyin rivojlanish mexanizmlari va zamonaviy klinik tasnifi.....	7
2.	Ashurova N.G., Ismatova M.N., Ismoilova M.S. Helicobacter pylori bilan assotsirlangan me'da va o'n ikki barmoqli ichak yara kasalligi va D vitamini tanqisligi: muammo adabiyotlar talqinida.....	12
3.	Axmedova D.B., Ashurova N.G., Rajabova M.G. Surunkali migrenning klinik xususiyatlari va ularning kognitiv funksiyalarga ta'siri.....	20
4.	Babadjanov B.B., Kasimov U.Q., Djurayev A.M. O'zbekistonda yumshoq to'qimalarning jarrohlik infeksiyasi: muammoning holati va yechim yo'llari.....	27
5.	Badridinova B.K., Xasanova N.Q. Terminal buyrak yetishmovchiligi: epidemiologiyasi, etiologiyasi va buyrak o'rnini bosuvchi terapiyaning samaradorligi.....	35
6.	Djumaniyazova N.S. Homiladorlik davrida COVID-19 bilan kasallangan onalardan tug'ilgan chaqaloqlarning immun organlaridagi patomorfologik va gistologik o'zgarishlar.....	44
7.	Mansurova N.A. Parkinsonizm sindromini qiyosiy tashxislashda zardobdagi yallig'lanisholdi sitokin kaskadi markerlarining ahamiyati.....	50
8.	Mirzajonova D.B., Bobojonova N.I. Gelmintozlarda IL-6, IL-10 va TNF- α sitokinlari darajasining dinamik o'zgarishi hamda ularning diagnostik va prognostik ahamiyati.....	57
9.	Mirzayeva G.P., Jabbarov O.O. Clinical and biochemical characteristics of blood parameters in pregnant women with preeclampsia associated with chronic kidney disease.....	61
10.	Qobilova G.A., Ravshanova G.O. Qandli diabet kasalligida tibbiy sug'urta tizimining aholi salomatligiga tasiri.....	68
11.	Rahmatova S.N., Ashurova N.G., Umarova Sh.K., Sunnatova N.Z. Miya qon aylanishi yetishmovchiligi: sabablari, rivojlanish mexanizmlari va oldini olish usullari.....	73
12.	Raximov A.A., Babajanov T.J., Abdolov I.B., Saidov Sh.M. 2-tip qandli diabet bilan og'rigan bemorlarda burun bo'shlig'i shilliq qavatini klinik-funksional baholash.....	79
13.	Safoyev B.B., Raxmatullayev J.D., Boltayev T.Sh. Peritoneal va enteral lavaj usulini tarqalgan yiringli peritonitda qo'llashning samaradorligini baholash.....	84
14.	Shukurov A.F., Shukurova N.T. Stomatologik amaliyotda tibbiy hujjatlar sifati va nizolarni kamaytirish.....	93
15.	Xidoyatova M.R., Ismatova S.A. Revmatik isitma va mitral klapan zararlanishida birlamchi profilaktikaga zamonaviy yondashuvlar.....	97

16. **Xatamov U.A., Boymurodov Sh.A.**
Biomechanical patterns and clinical characteristics of combined maxillofacial trauma: a retrospective analysis.....104
17. **Абдуллаев Ш.Ю., Жданов А.В., Хатыпова М.Г., Джумаев Ф.А.**
Внедрение индивидуальной зубоальвеолярной каппы в хирургическую стоматологию.....112
18. **Абдуллаев Ш.Ю., Жданов А.В., Хатыпова М.Г., Джумаев Ф.А., Нурматова Х.Т.**
Способ использования полимерной пластины и микровинтов для фиксации десневого мягкотканного аутооттрансплантата.....118
19. **Абдуллаева У.К., Мавлонов Б.О., Рахимова М.Б.**
Миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг кардиореабилитацияси.....125
20. **Абдуллаева У.К., Шодиев Н.Д., Рахимова М.Б.**
Ярали колит: лаборатор диагностик мезонлар.....136
21. **Абдуллаева У.К., Лутфуллаев О.О., Рахимова М.Б.**
Бронхиал астма билан касалланган беморларда кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолати.....145
22. **Алимова М.М.**
Морфологические особенности эндометрия у женщин с климактерическим синдромом.....152
23. **Алимова Н.П., Хасанова Д.А.**
Количественный морфометрический анализ нёбной миндалины у детей первого периода детства (4–7 лет) в условиях физиологической нормы.....157
24. **Алимова Н.П., Хасанова Д.А.**
Морфометрическая характеристика нёбной миндалины у клинически здоровых детей второго периода детства (8–12 лет).....165
25. **Амонова Н.М., Ризаева М.А., Умурова Н.М.**
Метаболический синдром как основа формирования предиабетических состояний.....171
26. **Ахророва Ш.Б., Камалова Ф.У., Примов А.Д.**
Вестибуляр мигрень ва унинг ўзига хос клиник кечиши.....177
27. **Буранова Д.Ж.**
Сурункали буйрак касаллигида клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятлари.....187
28. **Гадаев А.Г., Халилова Ф.А., Гадаева Н.А., Бобоев А.Т.**
Кардиоренал синдром мавжуд беморларда клиник ҳолат, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламага чидамлилиқ кўрсаткичларининг биомаркерлар билан ўзаро боғлиқлиги.....193
29. **Гадаев А.Г., Бобоев А.Т., Тўракулов Р.И., Халилова Ф.А.**
Сурункали юрак етишмовчилиги негизда ривожланган кардиоренал синдромда чап қоринча ремоделинги геометрик типлари ва уромодулин даражасининг ўзаро боғлиқлиги.....202
30. **Горбач А.Е., Волошенюк А.Н., Кандыбо С.Ч., Римша М.А.**
Дистанционное консультирование очевидцев происшествий: оценка готовности персонала и барьеры внедрения в службе скорой медицинской помощи республики беларусь (пилотное исследование).....211

31. **Гулямова Д.Н., Бобожонов Ж.Р.**
Болаларда вирусли этиологияли қайтувчи орқа лейкоэнцефалопатия синдроми: клиник ҳолат таҳлили.....218
32. **Жумаев А.Х., Саидов А.А.**
Функциональный қолип индивидуальной ложкой в сравнении со стандартным қолипом при частичном съёмном протезировании лиц пожилого возраста: влияние на качество жизни и адаптацию.....223
33. **Индиаминов С.И., Шойимов Ш.У.**
Особенности повреждений костей конечностей у лиц пешеходов погибших от столкновения легковыми автомобилями нового поколения.....233
34. **Каримов М.Ш., Шукурова Ф.Н., Норматова К.Ш.**
Ревматоид артритда такомиллаштирилган даволашнинг фетуин-А, TLR4 ва яллиғланиш биомаркерлари динамикасига таъсири.....242
35. **Нурбобоев А.У., Сафоев Б.Б., Махмудова Г.Ф.**
Современное состояние вопросов лечения инфицированных ран.....250
36. **Нуруллаев Б.Б., Мадиримова Л.О.**
Бактериал конъюнктивитлар кўзғатувчиларини идентификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....260
37. **Пулатова Ш.Х.**
Юрак етишмовчилиги бор беморларда сурункали буйрак етишмовлигининг клинко-иммунологик ва генетик ўрганиш усуллари.....269
38. **Рахимова М.Э., Гадаев А.Г., Иброхимов С.Б.**
Сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда KLOTНО оксигенининг кардиоренал дисфункцияни аниқлашдаги таъхисий аҳамияти.....275
39. **Рахмонова Ш.Р.**
Гемодиализдаги болаларда тиш қаттиқ тўқималари ҳолати ва минерал алмашинув кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик.....282
40. **Сафоев Б.Б., Хамроев У.П., Сафоев Б.Б.**
Оценка эффективности применения операции рамиреса при лечении больных с грыжами передней брюшной стенки.....290
41. **Сидикова Г.Ш.**
Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатининг ўткирлашган ва ўткир даврларида ингичка ичакнинг морфологик хусусиятлари.....299
42. **Хатамов У.А.,**
Боймуродов Ш.А. Биомеханическая оценка плотности, пористости и распределения напряжений в костях лицевого скелета при травматическом воздействии.....305
43. **Ҳожиев Ш.Ш.**
Экспериментал карбоксигемоглобинемияда уруғдон морфологиясининг ўзгариши....314
44. **Убайдуллаева Н.Н., Хайдарова Ф.А., Исмагуллаева С.С., Саидова С.Х.**
Иммунологическая характеристика больных с коморбидным течением бронхиальной астмой и сахарным диабетом 2- типа.....320



Сидикова Г.Ш. Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатининг ўткирлашган ва ўткир даврларида ингичка ичакнинг морфологик хусусиятлари // Клиник фанлар йилномаси. 2026, 3-жилд, 2-сон, 389-396-б.

УЎК: 616.832-001:616.341-091.8

Сидикова Г.Ш.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

ЎРТАЧА ОҒИР ДАРАЖАДАГИ ОРҚА МИЯ ЖАРОҲАТИНИНГ ЎТКИРЛАШГАН ВА ЎТКИР ДАВРЛАРИДА ИНГИЧКА ИЧАКНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.22049646>

Аннотация: Ушбу мақолада ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳатланишининг ўткир ва ўткирлашган даврларида 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ингичка ичагининг морфологик хусусиятларини баҳолаш ва ўрганиш мумкин бўлган илмий тадқиқотлар натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати “Баландликдан қулаш ҳодисаси” модели ёрдамида етказилган ва каламуш ингичка ичагини морфологик таҳлили жароҳатланишдан кейинги 1-, 8- соатларда ўтказилган.

Калит сўзлар: ингичка ичакнинг проксимал ва дистал қисми, ворсинка

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОВРЕЖДЕНИЙ ТОНКОГО КИШЕЧНИКА В ОСТРЕЙШИЕ И ОСТРЫЕ ПЕРИОДЫ СРЕДНЕТЯЖЕЛОЙ ТРАВМЫ СПИННО-МОЗГА

Сидикова Г.Ш.

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Аннотация: В данной статье представлены результаты научных исследований, позволивших оценить и изучить морфологические особенности тонкого кишечника 3-месячных белых чистопородных крыс в острейшие и острые периоды среднетяжелой травмы спинного мозга. Среднетяжелая травма спинного мозга была нанесена с использованием модели «Падение с высоты», а морфологический анализ тонкого кишечника крыс проводился через 1 и 8 часов после травмы.

Ключевые слова: проксимальный и дистальный отделы тонкого кишечника, ворсинки.

MORPHOLOGICAL FEATURES OF SMALL INTESTINE INJURIES IN THE ACUTE AND MODERATE PERIODS OF SPINAL CORD INJURY

Gulrukh Sh.S.

Bukhara State Medical Institute, Bukhara, Uzbekistan

Abstract: This article presents the results of scientific research that assessed and studied the morphological features of the small intestine of 3-month-old purebred white rats during the acute and moderate periods of spinal cord injury. Moderate spinal cord injury was inflicted using the "fall from a height" model, and morphological analysis of the rats' small intestine was performed 1 and 8 hours after injury.

Keywords: proximal and distal small intestine, vill.

Долзарблғи: Дунё бўйлаб умуртқа поғонаси ва орқа мия жароҳатланишининг учраш частотаси ва унинг тарқалиш даражаси бир неча йиллар оралиғида қарийб ўттиз бараварга ошди [8,12]. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунга келиб турли автоҳалокатлар, тасодифий ҳодисалар туфайли ҳар йили 500 000 га яқин инсонлар умуртқа ва орқа мия жароҳатланишига учрайди ва охир оқибат беморларнинг I ва II - гуруҳ ногиронлигига олиб келади. Чунки орқа мия жароҳатидан кейин уларнинг сезги ва ҳаракат функциясига боғлиқ тикланиш жараёнларининг прогнози қоникарли эмас [11]. Чет элларда орқа мия жароҳатланиши ҳар 1000 аҳолига 0,1 ҳолатни ташкил этади [6] ва шундан 70-80% жабрланган беморлар I ва II - гуруҳ ногиронлари бўлиб қоладилар [3,4]. Шунинг учун ҳам, дунё бўйича орқа миянинг жароҳатланиши барча турдаги жароҳатланишлар орасида учинчи энг кенг тарқалган ҳолатлардан биридир [2].

Орқа мия жароҳатланишининг энг оғир асоратларидан бири бу травматик жароҳат жойидан пастки қисмининг турли даражадаги парез ва парализининг бузилишидир. Бундан ташқари, умуртқа ва орқа мия жароҳатланиши билан оғриган беморларнинг 80%ини 17 ёшдан 45 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар ташкил этади [1,5,7], бу эса ўз навбатида орқа мия жароҳати олган кундан бошлаб тезкор вақт давомида уларни даволаш ва реабилитация қилиш зарурлигини билдиради [1].

Умумий жароҳатланишлар орасида умуртқа ва орқа миянинг жароҳатлари барча турдаги жароҳат олган беморлар орасида кичик гуруҳни ташкил қилсада, бироқ етказилган жароҳатнинг структуравий жиҳатдан мураккаблиги ва функционал аҳамияти, улар оқибатларининг оғирлиги, жароҳатдан кейинги иккиламчи асоратлари, даволашнинг стандартлаштирилган тамойилларининг йўқлиги шунингдек, жабрланган беморлар ногиронлиги даражасининг юқорилиги туфайли, ҳамда даволаш тамойилларининг ижтимоий ва иқтисодий харажатларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида аҳамиятга эгадир [9,10].

Умуртқа поғонаси ва орқа мия жароҳатланиши олган беморларда овқат ҳазм қилиш ҳамда бошқа тизимлардаги дисфункционал ўзгаришларнинг миқдори кўп жиҳатдан етказилган жароҳатнинг жойи ва оғирлигига боғлиқ бўлиб, улар орасида ингичка ичакдаги асоратлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Умуртқа поғонаси ва орқа мия жароҳатлари туфайли ингичка ичакда келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида муваффақиятли даволаш ва олдини олиш, ушбу аъзолардаги функцияларини сақлаб қолишга ва беморлар ҳаётий жараёнлар сифатини ошириш шунингдек, овқат ҳазм қилиш томонидан асоратларни камайтириш орқали жабрланганларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради. Овқат ҳазм қилиш аъзолардаги орқа мия жароҳатидан кейин юзага келадиган морфологик ўзгаришлар, айниқса ингичка ичакдаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар кам ўрганилган бўлиб, ушбу органдаги асоратлар нафақат тиббий, балки иқтисодий-ижтимоий муаммо эканлиги ва унинг ечимини топиш долзарб вазифа эканлигини кўрсатган.

Мақсад: Ўртача оғир даражлаги орқа мия жароҳатларида овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларида айниқса ингичка ичакда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Вазифалари: Ўртача оғир даражлаги орқа мия жароҳатларида овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларида айниқса, ингичка ичакда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали келажакда орқа мия жароҳати олган беморларда ингичка

ичакда келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва олдинини олиш имконини беради.

Тадқиқот объекти: Тадқиқот объекти сифатида виварий шароитидаги 3 ойлик ҳар иккала жинсли оқ зотсиз каламушлардан фойдаланилди.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: Тажрибалар виварий шароитида туғилган 3 ойлик 20 та ҳар иккала жинсли оқ зотсиз каламушлар устида ўтказилди. Тажрибаларда ҳайвонлардан фойдаланиш бўйича этика қоидаларига, Хельсинки конгресси талабларига риоя этилган ҳолда олиб борилди. Ушбу лаборатория ҳайвонларида тажрибани ўтказишдан олдин уларда мавжуд касалликларни аниқлаш, озиқланиш ҳолати ва ҳатти-ҳаракатларини баҳолаш мақсадида ветеринария кўригидан ўтказилди ва турли хилдаги юқумли касалликлар инкор этилгандан сўнг тажрибага жалб этилди.

Орқа мия жароҳатининг турли даврларида ингичка ичак тузилишининг морфологик, морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида қуйидаги 3 та катта гуруҳлар тузилди (1-жадвал):

1-жадвал

№	Гуруҳ	Орқа мия жароҳатининг даражаси ва унинг даврлари	Тадқиқот учун жалб қилинган оқ зотсиз каламушлар сони
1	Назорат		6
2	Тадқиқот	Ўткирлашаган	7 (1)
		Ўткир	7
3		Жами	20 (1)

Изоҳ: Орқа мия жароҳати олган вақтда ҳалок бўлган каламушлар қавс ичида олинган.

- назорат гуруҳи (n=6);

- орқа мия жароҳатланиши олган тадқиқот гуруҳи ҳайвонлари (n=14);

Тадқиқотда оқ зотсиз каламушларда орқа мия жароҳатланиши махсус ишлаб чиқилган модель асосида “баландликдан қулаш ҳодисаси” усули билан етказилган. Тажриба гуруҳ ҳайвонлари енгил изофлуран эритмаси ёрдамида умумий наркоз остида ҳушсизлантирилди ва ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати етказилди.

Ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳат етказилгандан сўнг, барча ҳайвонлар махсус пластик қафасга ўтказилди ва жароҳат олгандан кейинги ҳолати тиклангунга қадар кузатилди. Ушбу тажриба давомида баъзи каламушлар ҳалок бўлди, бироқ жароҳат етказилгандан 25-30 дақиқа ўтгач, омон қолган ҳайвонлар доимий, нормал ҳаёт тарзига қайтиш учун ўз қафасига жойлаштирилди.

Шундан сўнг тажриба ҳайвонлари эрталаб тегишли вақтда тарозига тортилди ва ҳар бирининг тана вазни ўлчанди. Сўнгра оч коринга эфир ёрдамида анестезия остида бошини кесиш орқали сўйилди ва ингичка ичаги ажратиб олинди. Ажратиб олинган аҳзонинг органометрик кўрсаткичлари олингандан сўнг улардан гистологик препаратлар тайёрланди. Ушбу гистологик препаратлар гемотоксилин эозин, ван гизон, метилен кўки бўёқларда бўялди ва микрометр ДН-107Т / Модел НЛСД-307Б (Нобел, Хитой 2016) ёрдамида тегишли расмлар олинди.

Илмий янгилик: биринчи марта экспементал тадқиқотда “баландликдан қулаш ҳодисаси” модели ёрдамида ўртача оғир даражадаги орқа мия жароҳати натижасида ингичка ичакда келиб чиқадиган морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берди.

Натижалар ва муҳокама: Барча гуруҳдаги оқ зотсиз каламушлардан (n=15) олинган ингичка ичакнинг проксимал, ўрта ва дистал қисмлари тўқималаридан тайёрланган препаратларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Олинган натижаларни тўғри баҳолаш учун, биринчи навбатда, 1- назорат гуруҳининг уч ойлик оқ каламушларнинг барча параметрларнинг динамикаси ўрганилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2-(тадқиқот) гуруҳдаги уч ойлик оқ каламушларининг тана оғирлиги – 125,13 гр дан 149,35 гр гача, ўртача – 132,65 гр гача борди.


Тадқиқот гуруҳининг яъни, орқа мия жароҳати олган 3 ойлик оқ каламушлар ингичка ичаги меъда ва йўғон ичак оралиғида жойлашган бўлиб, у ўн икки бармоқ ичак, оч ичак ва ёнбош ичакдан иборат бўлади. Ингичка ичак кўздан кечирилганда макроскопик томондан кўринарли яққол ифодаланган патологик ўзгаришлар кузатилмади.

Гистологик жихатдан таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди:

Орқа мия жароҳатланиши олган 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ингичка ичак деворидаги морфологик ўзгаришлар, етказилган жароҳатнинг ўткирлашган давридан бошлаб иннервациянинг бузилиши натижасида бир нечта ўзгаришлар юзага келди.


Орқа мия жароҳатининг ўткирлашган ва ўткир давларида одатда жароҳатдан 1 соат ва 8 соат ўтгандан кейин нерв тизими томонидан иннервациянинг бузилиши оқибатида ингичка ичак деворида яллиғланиш ва иккиламчи дегенератив ўзгаришларнинг борлиги билан характерланади (1-расм).

2- тадқиқот гуруҳ каламушлар ингичка ичагини гемотоксilen эозин билан бўялганда ворсинкаларнинг калталашлаганлигини, улар юзасининг текисланганлигини, ворсинкалар баландлиги ва улар эгаллаган майдонининг камайишини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолат эса ингичка ичакдан озуқа моддаларининг сўрилиш юзасини кескин камайтиради. Ичак мускул қаватининг гипертрофия белгилари пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу ҳоланинг узок муддат давом этиб бориши эса ичак моторикасининг сурункали бузилишига олиб келади.




1-расм. 2-тадқиқот гуруҳининг орқа мия жароҳатининг ўткир давридаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ингичка ичаги деворининг морфологик кўриниши. (Гемотоксilen эозин билан бўялган. ОК 10 х ОБ 40. 1- сероз қават, 2-мушак қавкат, 3-шиллик ости қават, микроворсинкалар.)

2- тадқиқот гуруҳ каламушлар ингичка ичагини альциан кўки гистокимёвий бўяш орқали ингичка ичак тўқимасида мјеёрда учрайдиган мукополисахаридларнинг ошиб кетганлигини кўрсатувчи сифат реакциясига асосланган морфологик усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу алциан кўки бўёғи тўқимада моддалар алмашинувининг яққол ривожланган ўчоқларида гипоксия ва нордон мукополисахаридлар тўпланиш даражасини кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар нордон мукополисахаридларнинг ушбу қаватда тўпланиши ва гипоксия жараёни кечаётганлиги морфофункционал белигиси ҳисобланади (2-расм).



2-расм. 2-тадқиқот гуруҳининг орқа мия жароҳатининг ўткир давридаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ингичка ичаги деворининг морфологик кўриниши (Альциан кўки билан бўялган. ОК 10 х ОБ 40. 1- сероз қават, 2-мушак қавкат, 3- шиллик ости қават, 4-шиллик қават, 5- микроворсинкалар.)

Ван гизон бўёғи билан бўялган препаратлар коллаген толаларнинг ривожланганлик миқдорини кўрсатади. Препаратларни Ван гизон бўёғи билан бўяш орқали коллаген толаларнинг ривожланиш даражаси ва миқдорининг ошганлиги орқа мия жароҳатининг кучи, унинг давомийлиги, жароҳат даражаси ва даврларига боғлиқ бўлади. Аксарият препаратларда ингичка ичак девори шиллик ва шиллик ости қаватлари тўқималарида тўқ пушти рангли жадал ривожланиб борувчи дағал толали тузилмалар аниқланди. Ингичка ичак шиллик ва шиллик ости қаватидаги такомил топаётган силлик толаларнинг мавжудилиги туфайли ингичка ичак деворида озика моддаланинг сўрилишига тўсқинлик қилиб, ингичка ичак деворида структур ўзгаришларга олиб келишига сабаб бўлади (3-расм).



3-расм. 2-тадқиқот гуруҳининг орқа мия жароҳатининг ўткирлашган давридаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ингичка ичаги деворининг морфологик кўриниши (Ван Гизон билан бўялган. ОК 10 х ОБ 40. 1- сероз қавати деворининг периметри бўйлаб шаклланаётган силлиқ коллаген толали тузилма, 2-мушак қавқат, 3- шиллиқ ости қаватларидаги периметри бўйлаб шаклланаётган коллаген толали тузилма.)

Олинган препаратларнинг гистологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, орқа мия жароҳатланишининг ўткирлашган, ўткир даврларида ингичка ичак структур тузилмасида яққол намоён бўлувчи бир нечта ўзгаришлар интенсивлиги айниқса ўткир даврда юз берди. Бунда орқа мия жароҳатланишининг 1 соат, 8 соат ичида каламушларнинг ингичка ичаги микроскопик текширилганда сероз, шиллиқ ости ва айниқса шиллиқ қаватидаги ворсинкаларнинг тузилишида бир қатор ўзига хос яққол намоён бўлувчи ўзгаришлар аниқланди ва статистик таҳлил қилинди.

Хулоса: Шундай қилиб, 2-тадқиқот гуруҳининг орқа мия жароҳатланиши олган 3 ойлик оқ зотсиз каламушларда макроскопик жиҳатдан кўзга кўринарли ўзгаришлар келиб чиқмаса-да, гистологик жиҳатдан ингичка ичакнинг проксимал ва дистал қисмларининг деворида турли патологик ўзгаришларнинг мавжудлиги қайд этилди. Ўзгаришлар интенсивлигининг ошиши етказилган орқа мия жароҳатининг кучи ва даврларига боғлиқ бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Даминов В.Д. Автореферат докторской диссертации «Совершенствование системы технологий роботизированной механотерапии в реабилитации больных с поражением центральной нервной системы»; Москва; 2013 г. - 259с.
2. Лебедев В.В., Крылов В.В. Неотложная нейрохирургия: руководство для врачей // М.: Медицина, 2000. 568 с.
3. Леонтьев М.А. Хирургическая коррекция патологии стопы в комплексе двигательной реабилитации у пациентов с нижней параплегией: Автореферат дисс. канд. мед. наук. Новокузнецк, 2003. 25 с.
4. Леонтьев, М.А. Лечение и реабилитация пациентов с травматической болезнью спинного мозга / М.А. Леонтьев // Реабилитация инвалидов с нарушением функций опоры и движения / под ред. Л.В.Сытина и [др.]. _ Новосибирск, 2003. - С.299-335.
5. Морозов, И.Н. Позвоночно-спинномозговая травма: восстановительное лечение в промежуточном и позднем периодах: дис. д-ра мед. наук: 14.01.11, 14.01.15 / Морозов Иван Николаевич. - Н.Новгород, 2011. - 338 с.
6. Щетинин С.А., Щетинин С.А. АНАЛИЗ ЧАСТОТЫ И ПОСЛЕДСТВИЙ ТРАВМАТИЗМА В РОССИИ // Современные проблемы науки и образования. -2015. - № 2-1
7. Devivo M.J. Epidemiology of traumatic spinal cord injury: trends and future implications //Spinal Cord. 2012 May;50(5):365-72.
8. Furlan J.C., B.M. Sakakibara, W.C. Miller, A.V. Krassioukov Global incidence and prevalence of traumatic spinal cord injury / J.C. Furlan, B.M. Sakakibara, W.C. Miller, A.V. Krassioukov // Can. J. Neurol. Sci. - 2013. - Vol. 40 (4). - P.456-464.
9. Liu, J.M. Is urgent decompression superior to delayed surgery for traumatic spinal cord injury? A meta-analysis / J.M. Liu, X.H. Long, Y. Zhou et al. // World neurosurg. - 2016. - Vol. 87. - P. 124-131.
10. Nemunaitis, G. Early Predictors of Functional Outcome After Trauma / G. Nemunaitis, M.J. Roach, J. Claridge et al. // J injury function rehabil. - 2015. - Vol. 24. - S 1482-1934.
11. Sminkey L. Международный обзор травматизма позвоночника // ВОЗ, Женева – Презентация
12. Xiangbing Wu, Xiao-Ming Xu. RhoA/Rho kinase in spinal cord injury / Neural.Regen. Res. - 2016 - Vol.11 (1). - P. 23-25

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

Научно-практический журнал по всем
направлениям медицины
основан в 2024 году

Бухарским государственным
медицинским институтом

Выходит один раз в 3 месяца

Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт